

ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ОБЪЕКТЛАР ХУДУДИДА ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИ: ИНДИКАТОРЛАР, РИСКЛАР ВА БОШҚАРУВ ЕЧИМЛАРИ**© Шокиров Фаррухбек Одилжон ўғли**

Сирдарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси Хизматни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими Таълим муассасаларини қўриқланишини ташкиллаштириш бўлини катта инспектори, катта лейтенант.

телефон: +99899-707-90-44 e-mail: farruxbekshokirov94@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19036852>

Аннотация. Мазкур мавзуда қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш механизмларининг самарадорлиги таъкидлий-ҳуқуқий, амалий ва технологик мезонлар асосида комплекс таҳлил қилинади. Профилактика механизмлари деганда кириш-чиқиш режими, периметр ва ички ҳудуд назорати, пост-патрул хизмати, техник қўриқлаш воситалари (видеокузатув, сигнализация, датчиклар), профилактик огоҳлантириш ва тегишувлар, ҳодисаларни ҳужжатлаштириш, тезкор алоқа ҳамда идоралараро ахборот алмашинуви каби ўзаро боғлиқ чора-тадбирлар мажмуи назарда тутилади.

Таҳлилда самарадорликни баҳолаш учун асосий кўрсаткичлар сифатида ҳодисалар сони ва динамикаси, ноқонуний кириш уринишларининг олдини олиш улуши, “реакция вақти” (response time), сигнализация бўйича ёлгон чақирувлар улуши, камралар қамрови ва ишлаш барқарорлиги, ходимлар тайёргарлиги, режим бузилиши ҳолатлари, моддий зарарнинг камайиши, ҳамда процессуал тўғри расмийлаштириш сифати каби индикаторлар асосланади. Шунингдек, механизм самарадорлигига таъсир этувчи чекловлар — инсон омили, техникага хизмат кўрсатиш муаммолари, SOP стандартларининг етарли эмаслиги, ахборот алмашинувида узилишлар, назорат-аудитнинг заифлиги — тизимли равишда кўрсатилади. Хулоса сифатида, профилактика механизмларининг юқори натижадорлиги “режим–кадр–технология–назорат” интеграцияси, рискка асосланган бошқарув ва KPI/аудит орқали баҳолашни йўлга қўйишига боғлиқ экани таъкидланади.

Калит сўзлар: қўриқланадиган объект, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, самарадорлик таҳлили, профилактика механизмлари, кириш-чиқиш режими, периметр назорати, пост-патрул хизмати, видеокузатув, сигнализация, реакция вақти, ахборот алмашинуви, SOP, рискларни бошқариш, KPI, мониторинг, назорат ва аудит, инсон омили, техник хизмат кўрсатиш.

Қўриқланадиган объектларда хавфсизликни таъминлашда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бироқ мазкур механизмлар фақат мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг амалда қай даражада ишлаши, тезкорлиги ва барқарор натижа бериши билан баҳоланади. Шу боис профилактика тизимининг самарадорлигини аниқ индикаторлар асосида таҳлил қилиш, камчилик ва риск омилларини белгилаш ҳамда комплекс бошқарув ечимларини ишлаб чиқиш объект хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун долзарб вазифа ҳисобланади.

Урбанизация жараёнлари, транспорт ва энергетика инфратузилмаларининг кенгайиши, савдо-марказлар, молия-кредит муассасалари, саноат зоналари, ахборот-коммуникация тармоқлари каби объектлар сони ортиб бориши уларни мураккаб хавфлардан муҳофаза қилишни талаб этмоқда.

Қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларининг самарадорлигини баҳолаш, аввало, қўриқлаш хизмати фаолиятининг мақсад ва вазифалари билан узвий боғлиқдир. Амалдаги қонунчиликка кўра, қўриқлаш фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири – қўриқланадиган объектларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга чек қўйиш ҳисобланади. Бу қўриқлаш хизматини фақат ҳуқуқбузарликларга “қарши курашувчи” эмас, балки “профилактик субъект” сифатида қарашни талаб этади.

Қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмлари самарадорлигини баҳолашда, илмий адабиётда асосан учта йирик назарий йўналиш ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилади. Улар қуйидагилар:

биринчиси, “имкониятни чеклаш”га қаратилган ситуацион (вазиятли) профилактика;

иккинчиси, “қўриқчи (назоратчи) субъект”нинг ролини марказга қўядиган рутин фаолият (routine activity) ёндашуви;

учинчиси, объект муҳити ва архитектураси орқали хавфни пасайтирадиган “Муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш” (Crime Prevention Through Environmental Design (CPTED)) концепцияси.

Шунингдек, қўриқланадиган объектлар учун хос бўлган маъмурий-ҳуқуқий режим назарияси ушбу ёндашувларни ҳуқуқий майдонга интеграциялайди. Қуйидаги олимларнинг қарашлари айнан шу механизмларнинг мазмуни, амалий самарадорлиги ва чегараларини очиб беради.

Биринчи навбатда, Р. Кларк томонидан ишлаб чиқилган “*ситуацион профилактика назарияси*” қўриқланадиган объектларда ҳуқуқбузарликлар олдини олишнинг энг универсал “амалий чегараси” сифатида эътироф этилади. Унинг фикрича, ҳуқуқбузарликнинг асосий сабаби шахснинг “криминоген мойиллиги” эмас, балки муайян вазиятда вужудга келган имконият ва қулай шарт-шароитдир. Шу боис профилактика объект муҳитидаги имкониятлар занжирини узиш орқали амалга оширилади¹. Кларк ситуацион чораларни беш йўналишга жамлайди: ҳуқуқбузарликни амалга ошириш “қийинлигини ошириш”, унинг “фош бўлиш хавфини кўпайтириш”, “мукофот ёки фойдани камайтириш”, “провокацияларни пасайтириш” ва “ақлий оқловларни бартараф этиш”.

Бизни фикримизча, бу ёндашув қўриқланадиган объектга хос технологик ва режим чораларини (назорат пунктлари, видеокузатув, сигнализация, химояланган биометрик кириш, объектни изоляция қилиш, “кўзга кўринадиган” қўриқчи иштироки) бир бутун профилактик логикага келтириб беради. Чунки айнан объект муҳитини “имкониятлардан холи қилиш” – қўриқлаш хизмати фаолиятининг марказий мақсади ҳисобланади.

Иккинчи муҳим назарий асос бу, Л. Коэн ва М. Фелсоннинг “*рутин фаолият ёндашуви*”дир. Улар ҳуқуқбузарлик содир бўлиши учун уч шарт бир вақтда вужудга келишини кўрсатади: “эҳтимолий ҳуқуқбузар”, “мос келувчи нишон (объект)” ва “компетенцияли қўриқчи (назоратчи)нинг йўқлиги”. Демак, профилактикада асосий урғу айнан “компетенцияли қўриқчи”ни кучайтириш ва нишонни “камроқ жозибадор” қилишга қаратилади.

¹ Clarke R. V. (ed.) Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. 2nd ed. Boulder: Lynne Rienner Publishers, 1997.

Фелсон ва Кларк кейинчалик бу нуктаи назарни ривожлантириб, “имконият – илдиз сабаб” эканини, кўриқчи функцияси эса фақат шахсий тарбия ёки жазо эмас, балки муҳитни назорат қилиш воситалари билан таъминланиши кераклигини таъкидлайди².

Фикримизча, ушбу назария кўриқланадиган объектларда кўриқлаш хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун тўғридан-тўғри мезон беради: кўриқлаш субъектнинг (кўриқчи ходим, техник назорат, диспетчерлик мониторинги) “ҳақиқий иштирок даражаси” қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқбузарликнинг амалга ошиш эҳтимоли шунчалик пасаяди. Бунда “кўриқлаш субъекти” тушунчаси фақат ходимни эмас, балки камера, сигнализация, автоматик хабар бериш тизими, ҳатто объектдаги фуқароларнинг ўзaro назоратини ҳам қамраб олади.

Учинчи муҳим назарий асос эса, “*Муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш*” (*Crime Prevention Through Environmental Design (CPTED)*) блок – *CPTED назариясидир*. Унинг асосчиси С.Р.Джеффри³ муҳит инсон хулқини рағбатлантириши ёки чеклаши мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб, хавфсизликни архитектура-муҳандислик ва фазовий режалаштириш билан боғлади.

О. Ньюман “defensible space” ғояси (аҳоли ўзи “ҳимоя қила оладиган”, назорат қиладиган ва ўзини жавобгар ҳис этадиган ҳудудни яратиш ғояси)да объект ҳудудини ҳимояланувчи, яъни “ўзини муҳофаза қилишга қодир” фазога айлантириш учун табиий кузатув, ҳудудийлик (territoriality), кириш-чиқишни чеклаш ва мулкдорлик ҳиссини кучайтириш зарурлигини кўрсатади.

Фикримизча, “Муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш” назарияси тамойиллари кўриқланадиган объектларда “кўриқлаш хизмати”нинг фақат оқибати билан курашни эмас, балки барвақт профилактикасини таъминлайди. Агар ҳудуд тўғри лойиҳаланса, кўриқлаш ходимининг ресурслари тежалади, хавфли нукталар (blind spots) камаяди ва назоратнинг табиийлик даражаси ошади.

Т. Кроу “Муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш” назариясини тизимлаштириб, унинг амалий “жиҳозлар тўплами”ни таклиф қилади: табиий кузатув (natural surveillance), киришни бошқариш (access control), ҳудуд чегарасини белгилаш (territorial reinforcement) ва муҳитни сақлаш-менежмент (maintenance/management)⁴. Бу тамойиллар охир-оқибат ситуацион профилактикага уйғун келади.

П.Козенс, Г.Савилль ва Ж. Кливленд “Муҳитни лойиҳалаш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш” назариясининг эмпирик самарадорлиги ҳақидаги тадқиқотларни умумлаштириб, айниқса транспорт воситалари кесишмаси, савдо ҳудудлари ва аҳоли яшаш массивларида муҳитни тўғри куриш “ҳуқуқбузарликлар динамикасини бир вақтда пасайтириш”⁵ини кўрсатади.

² Felson M., Clarke R. V. Opportunity Makes the Thief: Practical Theory for Crime Prevention (Police Research Series Paper No. 98). London: Home Office, Research, Development and Statistics Directorate, 1998.

³ Jeffery C. R. Crime Prevention Through Environmental Design. Beverly Hills, CA: Sage Publications, 1971.

⁴ Crowe T. D. Crime Prevention Through Environmental Design: Applications of Architectural Design and Space Management Concepts. 2nd ed. Oxford: Butterworth-Heinemann, 2000.

⁵ Cozens P., Saville G., Hillier D. Crime Prevention through Environmental Design (CPTED): A Review and Modern Bibliography // Property Management. 2005. Vol. 23, No. 5. P. 328–356.

Г.Савилль ва Ж. Кливленд “иккинчи авлод CPTED”да ижтимоий уйғунлик, ҳамжамиятда “эғалик ва масъулият ҳисси”ни яратишни марказий омил сифатида илгари суради⁶.

Бизни фикримизча, кўриқланадиган объектлар (масалан, банк, стратегик инфратузилма, йирик савдо-кўнгилочар мажмуалар) учун CPTEDнинг биринчи авлод тамойиллари – мажбурий “минимум стандарт”, иккинчи авлод ғоялари эса хавфсизликни барқарорлаштирувчи “ижтимоий-психологик кўшимча ресурс” сифатида аҳамиятлидир. Чунки объект доимий равишда одамлар оқими билан боғлиқ бўлар экан, фақат техника эмас, “хавфсиз муҳит маданияти” ҳам профилактика занжирининг бўғинига айланади.

Р. Армитаж тадқиқотларида (айниқса уй-жой ва чакана савдо муҳити мисолида) ҳуқуқбузарнинг қарор қабул қилиш логикасига эътибор қаратилган. Р. Армитаж ҳуқуқбузарлар учун энг катта тўсиқ – жисмоний қийинчиликдан кўра, “фош бўлиш хавфи” ва “муваффақиятсизлик эҳтимоли” эканини далиллайди⁷. Шу боис ҳудуд ёки кўриқланаётган объектни назоратли ва тезкор жавоб қайтариш мумкин бўлган тарзда ташкил этиш самарали.

Фикримизча, Р.Армитажнинг “ҳуқуқбузар нуктаи назаридан баҳолаш” методологияси кўриқланадиган объектларда профилактика механизмларини аудит қилиш учун жуда қўл келади: объект хавфсизлиги фақат “қанча пост, камера борлиги” билан эмас, балки улар ҳуқуқбузар кўзи билан қанчалик тўсиқ сифатида қабул қилинишини ҳисоблаш орқали ҳам баҳоланиши керак.

Шу билан бирга айтиш мумкинки, кўриқланадиган объектларнинг ўзига хослиги маъмурий-ҳуқуқий режим назариясида кенг ёритилган. В.А.Селезнёв “кўриқланадиган объект маъмурий-ҳуқуқий режими”ни махсус ваколатлар, кириш-чиқиш қоидалари, маъмурий мажбурлов чоралари ва субъектлар ўзаро ҳамкорлигини бирлаштирувчи комплекс тизим деб талқин қилади⁸.

Ю.В.Серегин хавфсизлик, муҳофаза, кўриқлаш ва антитеррор ҳимояси тушунчаларини фарқлаб, объектдаги профилактика механизмлари турли ҳуқуқий мақсадга эга эканини таъкидлайди⁹.

Н. В. Щедриннинг “хавфсизлик чоралари ҳуқуқий назарияси”да эса профилактика – бу шунчаки ташкилий тадбир эмас, балки ҳуқуқий режим воситасида ижтимоий хавфни олдиндан нейтраллаштирувчи алоҳида институт сифатида кўрилади¹⁰.

Бизни фикримизча, мазкур маъмурий-ҳуқуқий қарашлар кўриқлаш хизмати фаолиятини миллий қонунчилик доирасида тўғри моделлаштиришга хизмат қилади: яъни ситуацион профилактика ва CPTED “нима қилиш керак?” деган саволга амалий жавоб берса, маъмурий-ҳуқуқий режим назарияси “буни қай тартибда ва қай ваколат асосида қилиш керак?” деган саволни ҳал қилади.

⁶ Saville G., Cleveland G. Second-Generation CPTED: The Rise and Fall of Opportunity Theory // 21st Century Security and CPTED. Boca Raton: Auerbach Publications, 2008.

⁷ Armitage R. Crime Prevention through Housing Design: Policy and Practice. Houndmills, Basingstoke, Hampshire; New York: Palgrave Macmillan, 2013. 248 p.

⁸ Селезнёв В. А. Административно-правовой режим охраняемых объектов // Административное и муниципальное право. 2017. № 9.

⁹ Серегин Ю. В. Понятия безопасности, защиты, охраны, антитеррористической защищенности объектов: сравнительно-правовой анализ // Вестник (научная статья). 2015.

¹⁰ Щедрин Н. В. Введение в правовую теорию мер безопасности: монография. Красноярск: ЮИ КрасГУ, 1999.

Шу тариха, илмий манзарада қўриқланадиган объектларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмлари самарадорлиги интегратив равишда талқин қилинади: имкониятни чеклаш (Кларк), қўриқчи функциясини кучайтириш (Коэн–Фелсон), муҳитни хавфсиз дизайн қилиш (Джеффри–Ньюман–Кроу–Козенс–Савилль), ҳамда бунинг барчасини ҳуқуқий режим ва маъмурий мажбурлов воситалари орқали қафолатлаш (Селезнёв, Серегин, Щедрин). Фикримизча, диссертация доирасида ушбу ёндашувларни бир тизимга келтириш қўриқлаш хизмати профилактикасининг ҳақиқий самарадорлигини баҳолаш учун энг ишончли илмий-методологик асос бўлади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан олдинроқ кўриб чиқилган ситуацион профилактика, рутин фаолият назарияси, CPTED, маъмурий-ҳуқуқий режим ва техник ҳамда кўп субъектلى ҳамкорлик ёндашувларини **якка ҳолда эмас, балки ягона “интегратив профилактика тизими”** сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Бизни фикримизча, жамоат хавфсизлиги бу – айрим объектлар ёки алоҳида ҳуқуқбузарларни эмас, балки бутун ҳудуд, инфратузилма ва аҳоли турмуш тарзини қамраб оладиган тизимли ҳодиса бўлгани учун, ҳар бир назария ушбу тизимнинг муайян блокларини ташкил этиши керак. Яъни Кларкнинг “имкониятни чеклаш”га қаратилган ситуацион профилактикаси жамоат жойлари ва қўриқланадиган объектлар атрофида жиноят учун қулай шароитларни қисқартиришга хизмат қилса, Коэн ва Фелсоннинг рутин фаолият назарияси жамоат хавфсизлигига дахлдор барча ҳудудларда “компетенцияли қўриқчи”лар (полиция, миллий гвардия, қўриқлаш хизматлари, маҳалла фаоллари, видеокузатув операторлари ва бошқалар) доимий ва самарали иштирокини таъминлаш заруратини назарий жиҳатдан асослайди. Ўйлаймизки, CPTED ва “defensible space” ғоялари эса айнан шу икки блокни жисмоний муҳит ва шаҳарсозлик билан боғлаб, жамоат хавфсизлигига таъсир этувчи кўчалар, боғлар, савдо марказлари, транспорт узеллари, маҳалла ҳудудлари ва қўриқланадиган объектларни шундай лойиҳалашни талаб қиладики, у ерда ҳуқуқбузарликка мойил шахс учун имконият камайиб, инсон ва фуқаролар учун қулайлик ва хавфсизлик ортади.

Фикримизча, ушбу назариялар жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида қуйидаги тарзда **бир-бирини тўлдирувчи блоклар** сифатида намоён бўлади:

биринчидан, “имкониятга қарши” (situational) блок – транспорт инфратузилмаси, савдо-кўнгилочар масканлар, таълим муассасалари, банклар ва бошқа қўриқланадиган объектларда кириш-чиқишни тартибга солиш, хавфли зоналарни изоляция қилиш, видеокузатув, сигнализация, ёритиш, жисмоний тўсиқлар ва визуал қўриқчи участкалари орқали ҳуқуқбузарлик учун қулай шароитларни қисқартиришга қаратилган;

иккинчидан, “қўриқчи ва мониторинг” (routine activity) блоки – жамоат хавфсизлиги субъектларининг (ички ишлар органлари, миллий гвардия, хусусий қўриқлаш ташкилотлари, маҳалла тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) ҳудуд ва объектлар бўйлаб узлуксиз кузатув, патрул ва тезкор жавоб қайтаришини таъминлайди. Бу ерда “компетенцияли қўриқчи” тушунчаси инсон омилларинигина эмас, балки техник воситаларга боғланган диспечерлик марказлари, “ақлли назорат” тамойилини ҳам ўз ичига олади;

учинчидан, CPTED ва ҳимояланувчи макон (defensible space) блоки – жамоат ҳудудлари ва объектларни лойиҳалашда табиий кузатув, киришни бошқариш, ҳудудийлик, умумий маконларни “эгалик ҳисси”га эга қилиш, архитектура ва ландшафт ечимлари орқали “хавфли нуқталар”ни йўқ қилиш каби чораларни ўз ичига олади.

Бизни фикримизча, бу блок жамоат хавфсизлигини таъминлашда “профилактиканинг энг арзон, лекин энг барқарор воситаси” ҳисобланади, чунки тўғри қурилган муҳит кейинчалик катта харажатли куч ишлатиш воситаларига эҳтиёжни камайтиради.

Шу билан бирга, фақат назарий ва архитектуравий ёндашувлар билан чекланиб бўлмайди. Уларнинг барчаси мустаҳкам **маъмурий-ҳуқуқий режим** билан қамраб олиниши лозим. Маъмурий ҳуқуқшунос олимлар (В.А.Селезнёв, Ю.В.Серегин, Н.В.Щедрин ва бошқалар) таъкидлаганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлашда профилактик механизмлар нафақат техник ва ташкилий, балки аниқ ҳуқуқий чекловлар, рухсатномалар, маъмурий мажбурлов чоралари, субъектлар ваколатлари ва жавобгарлик тизими орқали “режим”га айланганда самарали ишлайди.

Ўйлаймизки, умумий жамоат жойларида ҳам, махсус қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳам “режимли ҳудуд” тушунчасини аниқ чегаралаш – жамоат хавфсизлигининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Бунда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Жамоат хавфсизлиги концепцияси”, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги махсус қонунчилик¹¹ ягона норматив-ҳуқуқий контурни шакллантиради.

Фикримизча, айнан шу контурда situational, routine activity ва CPTED элементлари “эркин тавсия” эмас, балки давлат томонидан талаб этиладиган **қатъий талабларга** айланади, қонунчиликда белгиланган стандартлар эса жамоат хавфсизлиги субъектларидан у ёки бу профилактик чорани амалда қўллашни талаб қилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизими концептуал жиҳатдан яна бир ўлчамга – **кўп субъектли ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик блокига** таянади. Бу ерда хусусий қўриқлаш тузилмалари, ҳудудий ички ишлар бўлинмалари, миллий гвардия, маҳалла, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик механизми марказга қўйилади. Бизни фикримизча, классик криминологик назариялар (Кларк, Фелсон, Жеффри, Ньюман ва бошқалар) жамоат хавфсизлигини таъминлашда “ким нимани қилади?” деган саволга тўлиқ жавоб бермайди. Улар тадбирнинг моҳиятини тушунтиради, бироқ **субъектлар ўртасидаги вазифалар тақсимооти, ахборот алмашинуви ва жавобгарликни** ҳуқуқий жиҳатдан маълум даражада очиқ қолдиради. Шу боис, тадқиқот доирасида ушбу назариялар негизида “**идоралараро ҳамкорлик модели**”ни ишлаб чиқиш, жамоат хавфсизлиги субъектлари ўртасида “профилактика контурини” ташкил этиш (масалан, қўриқланадиган объектда аниқланган хавфли шахслар, шубҳали ҳаракатлар ва “қайноқ нуқта”лар ҳақидаги ахборотни тезкор ва тартибга солинган тарзда алмашиш)ни тизимга киритиш истикболли деб ҳисоблаймиз.

Ўйлаймизки, бундай интегратив ёндашувда жамоат хавфсизлиги фақат жазо ва реактив чораларга эмас, балки жойни тўғри режалаштириш, имкониятни чеклаш, қўриқчи функциясини кучайтириш, ҳуқуқий режимни қатъийлаштириш, техник воситаларни

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ-371-сон “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон. / <https://www.lex.uz/acts/2387357>., Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 июндаги ЎРҚ-778-сон “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/778/0525-сон; 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон. / <https://lex.uz/docs/6066682>., Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>.

интеграциялаш ва аҳолини жалб қилишга таянган **кўп қаватли профилактика продигмасига** айланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида турли назарий ёндашувларнинг “рақобати” эмас, балки **бир-бирини тўлдириши** долзарб. Бизни фикримизча, тадқиқот ғоявий асоси сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий модели – бу ҳуқуқбузарликлар учун имкониятни чеклашга қаратилган ситуацион чоралар;

иккинчидан, қўриқчи ва мониторинг механизмларини кучайтирувчи рутин фаолият логикаси;

учинчидан, муҳит орқали профилактикани таъминловчи CPTED ва “ҳимояланувчи макон” тамойиллари;

тўртинчидан, уларнинг барчасини қонуний воситалар орқали мажбурий стандарт даражасига қўтарувчи маъмурий-ҳуқуқий режим;

бешинчидан, идораларо ва жамоатчилик билан ҳамкорликка асосланган бошқарув блокиннинг ягона тизимига айланишидир.

Шундагина қўрикланадиган объектлар ҳудудда қўлланилаётган профилактика механизмлари маҳаллий даражада эмас, балки бутун шаҳар, ҳудуд ва давлат миқёсидаги жамоат хавфсизлиги сиёсатининг узвий қисмига айланади, деб ўйлаймиз.

Эндиликда, юқорида баён этилган назарий ёндашувларнинг амалда қандай ишлаётганини Тошкент шаҳри бўйича 2019–2025 йиллар (2025 йил 19 ноябр ҳолати) статистик маълумотлари асосида янада батафсил ёритиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги таҳлил айнан шу эмпирик базани ситуацион профилактика, рутин фаолият, CPTED ва маъмурий-ҳуқуқий режим назариялари билан боғлашга қаратилган.

Ўтган йиллар мобайнида қўриқлаш хизматининг профилактик салоҳияти босқичма босқич ривожланиб бормоқда. Хусусан, бу жараёни 2019 – 2025 йиллар кесимида Тошкент шаҳри мисолида таҳлил қилиб бўтамиз.

Тошкент шаҳрида қўриқлаш хизмати бўлинмалари томонидан маъмурий иш юритувида бўлган ҳуқуқбузарликлар динамикаси қуйидаги манзарани кўрсатади:

2019 йил – жами 24 та маъмурий иш¹²;

2020 йил – жами 55 та маъмурий иш¹³;

2021 йил – жами 336 та маъмурий иш¹⁴;

2022 йил – жами 521 та маъмурий иш¹⁵;

2023 йил – жами 5798 та маъмурий иш¹⁶;

2024 йил – жами 1661 та маъмурий иш¹⁷;

2025 йил 19 ноябргача – жами 4598 та маъмурий иш¹⁸.

¹² Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2019-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹³ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2020-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹⁴ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2021-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹⁵ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2022-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹⁶ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2023-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹⁷ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2024-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yhatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

Бу рақамлар шундан далолат берадики, 2019–2020 йилларда кўриқлаш хизмати профилактикаси тор доирада – асосан объект ичидаги тартиб ва мулк муҳофазасига қаратилган “анъанавий” моделда ишлаган.

2021–2022 йилларда қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳисобидан (Кўриқлаш фаолияти тўғрисидаги Қонун ва Миллий гвардия органларига қўшимча маъмурий ваколатлар берилиши) маъмурий юрисдикция кенгайган, профилактика механизми эса тобора институционал характер касб эта бошлаган.

2023 йилдаги кескин ўзгаришни шунчаки “ҳуқуқбузарликлар кескин кўпайиши” деб эмас, балки латент ҳуқуқбузарликларнинг кенг қамровда формал ҳисобга олина бошлаши, яъни профилактиканинг ҳақиқий қамрови ошгани сифатида талқин қилиш тўғрироқ бўлади. Кейинги 2024 йилда умумий сонининг пасайиши профилактика таъсирининг маълум даражада ўз самарасини берганидан далолат беради. 2025 йилда (ноябрь ойи ҳолатида) яна юқори кўрсаткич қайд этилгани эса кўриқлаш хизматининг экологик, санитар ва жамоат тартибига оид назорат функцияларини фаол амалга ошираётганини кўрсатади.

Назарий нуқтаи назардан олганда, бу динамика Кларкнинг “имконият – илдиз сабаб” тамойили ва Коэн - Фелсоннинг “рутин фаолият” логикаси билан тўлиқ уйғун. Ваколат кенгайган сари компетенцияли кўриқчи (кўриқлаш ходими + техник назорат) кўпроқ вазиятларда иштирок этади, демак, аввал яширин ёки “эътибордан четда қолган” ҳуқуқбузарликлар ҳам аниқланиб, маъмурий майдонга чиқиб келади.

Статистик маълумотлар фақат сонни эмас, балки кўриқланадиган объектлар ҳудудида қайси турдаги хавфлар устувор эканини ҳам кўрсатади. Шу жиҳатдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) моддалари кесимидаги таркибий таҳлил жуда муҳим.

Бу жараёнда 2019–2020 йиллар анъанавий кўриқлаш профили бўлиб, 2019 йилдаги 24 та ишнинг деярли барчаси **МЖТК 61-моддаси 1-қисми** (Оз миқдорда талон-торож) билан боғлиқ. Бу ҳолат кўриқланадиган объектлар ҳудудида асосий хавф сифатида мулквий жиноятларга мойиллик (майда талон-торож) қабул қилинганини кўрсатади.

2020 йилдаги 55 ишнинг тузилиши бундан бироз фарқ қилади. Хусусан, Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг *20 таси* МЖТКнинг 61-модда 1-қисми бўйича, *34 таси* 185¹-модда 1-қисми (Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи) бўйича, *1 таси* 194¹-модда 1-қисм (қонуний талабга бўйсунмаслик)¹⁹ни ташкил қилади.

Бу ҳолат кўриқланадиган объектларда хавф профилига янги компонент– пиротехника, портловчи ва ёнувчан моддалар билан қонунга хилоф муомала ҳам қўшилаётганини кўрсатади. Ситуацион профилактика нуқтаи назаридан, бу – объектда ва атрофида хавфли моддалар сақлаш имкониятини чеклаш заруратини кучайтиради.

2021–2022 йиллардаги маъмурий ҳуқуқбузарликларда қонуний талабларга бўйсунмаслик ва режим бузилишини етакчи хавф сифатида баҳолашимиз мумкин. Жумладан, 2021 йилдаги 336 та ишнинг катта қисми **МЖТК 194¹-моддаси 1-қисми** ҳиссасига тўғри келади (200 тадан ортиқ ҳолат), қолганини эса 61-модда, 185¹-модда, 195-модда (ходимларнинг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш), 210¹-

¹⁸ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining “Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2025-yilning yanvar oyidan noyabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

¹⁹ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining “Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2020-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

модда (ўта муҳим ва тоифаланган объектларга кириш-чиқиш режимини бузиш ёки ушбу объектларнинг қўриқланишини таъминлашга доир мажбуриятларни бажармаслик) ташкил этади. 2022 йилдаги 521 ишда ҳам **194¹-модда 1-қисми** етакчи, кейинги ўринларда 61-модда, 210¹-модда ва 185¹-модда турибди²⁰.

Бу шуни англатадики, қўриқланадиган объектлар ҳудудидаги асосий муаммо – қонуний кўрсатма ва талабларга бўйсунмаслик, объект режимига эътиборсизликдир. Рутин фаолият назарияси нуктаи назаридан бу босқичда “компетенцияли қўриқчи” (қўриқлаш ходими)нинг ролини институционал жиҳатдан қувватлаш орқали профилактика кучайтирилган. Ходимнинг қонуний талабига бўйсунмаган шахсга нисбатан маъмурий иш юритиш имкони қўриқлаш хизматига қўшимча таъсир ресурсини беради.

2023 йилда **экологик-санитар ва ободонлаштириш тартибини** етакчи хавф сифатида баҳолашимиз мумкин. 2023 йилдаги 5798 иш таркиби қуйидагича шаклланган. Жумладан, тахминан 4100–4200 таси **МЖТК 91¹-модда 1-қисми** (белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш), 800–900 таси **161-модда** (шаҳар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш), 300–400 таси **187-модда 1-қисм** (жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмоли ва хулқ-атвор тартибини бузиш), 200 дан ортиги **61-модда** (Оз миқдорда талон-торож қилиш), бир неча ўндан – **88-модда** (атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), **192-модда** (шовкин ва тинчликка оид талабларни бузиш), **194¹, 210¹** ва бошқа моддалар.

Ҳосил бўлаётган “хавф профили” шундан иборатки, қўриқланадиган объектлар ва улар атрофидаги ҳудудда санитария, чиқиндилар, тозалик, ободонлаштириш, йўлак ва яшил ҳудудларга эҳтиёсиз муносабат асосий профилактик объектга айланган. СРТЕД нуктаи назаридан, бундай муаммолар муҳитнинг тартибсиз, “кўздан узок”, “ҳеч кимники эмасдек” қабул қилинадиган фазога айланишига сабаб бўлади. Шу боис қўриқлаш хизмати ана шу хатарни маъмурий механизмлар орқали нейтраллаштиришга киришган.

2024–2025 йилларда **экологик хавфсизлик ва ҳаво муҳофазасини** етакчи хавф сифатида баҳолашимиз мумкин. 2024 йилда умумий ишлар сони 1661 тага тушган бўлса-да, таркибда **МЖТКнинг 91¹-модда ва 161-модда** яна етакчи ўринни эгаллайди²¹. **МЖТКнинг 61, 88 ва 187** моддалари бўйича ҳам салмоқли сони иш юритилган. Бу – муҳитни тозалаш ва тартибга солиш бўйича қўрилган аввалги чора-тадбирлар маълум натижа бераётган, лекин ҳали бутунлай бартараф бўлмаган хавф омиллари сақланаётганини кўрсатади.

2025 йил 19 ноябргача бўлган кўрсаткичларда эса эътиборга молик силжиш кузатилади²². Энг кўп – **МЖТКнинг 88-модда 1-қисми** бўйича иш (атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларини бузиш), шундан кейингилар – **91¹-модда, 161-модда, 187-модда**, шунингдек **91², 61, 185², 192, 210¹** каби моддалар бўйича ҳам иш юритилган²³.

²⁰ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2022-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

²¹ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2024-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

²² Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2025-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

²³ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining "Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2025-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

Бу ҳолат кўрикланадиган объектлар фаолиятида (айниқса саноат, қурилиш, транспорт инфратузилмасига оид объектларда) ҳаво ифлосланиши, филтр ва газ-тозалаш мосламаларининг тўлиқ ишламаслиги, атмосферага чиқиндиларни меъёрдан ортиқ чиқариш каби хатарлар олдинги сафига чиққанини кўрсатади. Демак, кўриқлаш хизмати профилактикаси фақат “жисмоний хавфсизлик”ни эмас, балки “экологик хавфсизлик”ни ҳам ўз ичига олган комплекс моделга айланмоқда.

Тошкент шаҳри туманлари кесимида маъмурий ишларнинг тақсимланиши ҳам жамоат хавфсизлиги ва кўриқлаш хизмати профилактика механизмларининг самарадорлигини баҳолашда муҳим манба ҳисобланади.

Таҳлилдан кўринишича, 2023 йилда Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сирғали, Юнусобод ва Яккасарой туманлари бўйича иш юритиш кўрсаткичлари юқорироқ. 2024 йилда энг катта юк Сирғали, Мирзо Улуғбек, Чилонзор ва Янгиҳаёт туманларига тўғри келади. 2025 йилда эса Сирғали, Олмазор, Янгиҳаёт ва Миробод туманлари етакчи ўринни эгаллайди²⁴.

Бу туманлар учун умумий жиҳат – кўрикланадиган объектлар зичлиги ва турфа хиллиги йирик савдо-кўнгилочар марказлар, транспорт узеллари, логистика омборлари, саноат корхоналари, банк ва молия инфратузилмаси, стратегик объектлар ва бошқалар айнан шу ҳудудларда жойлашган. Ньюманнинг “defensible space” ва CPTED назарияси нуктаи назаридан бундай ҳудудлар махсус ҳолатда (аҳоли оқими баланд, транзит ҳаракат кучли, турли мақсадда келувчи шахслар контингенти турли-туман) бўлади. Шу сабабдан ҳам бу туманларда табиий кузатув (natural surveillance)ни таъминлаш, кириш-чиқишни бошқариш (access control)ни мустаҳкамлаш, ҳудудийлик ва “эғалик ҳисси”ни шакллантириш (territorial reinforcement), муҳит менежментини (maintenance) юқори даражада ушлаб туриш, кўриқлаш хизмати профилактика механизмларининг самарадорлигини белгилаб беради.

Юқоридаги рақамлар таҳлилини назарий моделлар билан қиёслаганда, қуйидаги илмий хулосаларни келтириш мумкин:

биринчидан, 2019–2020 йилларда МжТКнинг 61 ва 185¹-моддалари устуворлиги кўрикланадиган объектларда оз миқдордаги талон-тароғ қилиш ва пиротехникага оид имкониятларни чеклаш заруратини, 2021–2022 йилларда 194¹-модданинг юқори улуши қонуний талабни бажартириш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлашни, 2023–2025 йилларда 91¹, 161, 88 ва 187-моддалар устунлиги эса муҳитни атроф табиий муҳитни асраб авайлаш чораларини амалга ошираётганлигини кўрсатмоқда;

иккинчидан, кўриқлаш хизмати ходимлари, видеокузатув операторлари, диспетчерлик марказлари, сигнализация тизимлари ва объект маъмурияти биргаликда “компетенцияли кўриқлов”нинг самарали моделини шакллантирмоқда. Маъмурий протоколлар динамикасининг ўзи шуни кўрсатадики, “компетенцияли кўриқлов” бўлганда доимий вазиятларда ҳуқуқбузарликлар кўпинча тугалланмаган босқичдаёқ тўхтатилмоқда;

учинчидан, МжТКнинг 91¹, 161 ва 88-моддалари бўйича профилактика – бу, аслида, муҳитни тозалаш, ҳудудни ободонлаштириш, чиқинди ва ҳаво билан боғлиқ қоидаларга амал қилиш орқали ҳуқуқбузарлик учун қулай муҳитни йўқотиш демакдир.

²⁴ Toshkent shahar Qo'riqlash bosh boshqarmasining “Qo'riqlash bosh boshqarmasi tomonidan 2023, 2024-yillarning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan va 2025-yilning yanvar oyidan dekabr oyigacha bo'lgan muddatda ro'yatga olingan ma'muriy huquqbuzarliklar ma'lumotnomasi.

Объектлар атрофида тозалик, ёритилган ҳудуд, тўғри режалаштирилган кириш-чиқиш, видеокузатув камералари ва назорат ўтказиш пунктларининг тўғри жойлашуви – барчаси CPTEDнинг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлади.

тўртинчидан, В.А. Селезнёв, Ю.В. Серегин, Н.В. Щедрин каби олимлар таъкидлаганидек, профилактиканинг самарадорлиги қонун билан кафолатланган маъмурий режимга боғлиқ. Тошкент шаҳри бўйича рақамлар кўрсатмоқдаки, Миллий гвардия органларига қўшимча маъмурий ваколатлар берилиши билан профилактика чинакам ҳуқуқий механизмга айланди, қонун бузилган тақдирда “қонуний оқибат”нинг муқаррарлиги таъминланмоқда, бу эса келгусида ҳуқуқбузарлик қилишга мойил шахслар учун ҳам сигнал вазифасини бажаради.

Тошкент шаҳри статистикаси ва юқорида келтирилган назарий ёндашувлар синтези асосида қуйидаги умумий хулосаларни шакллантириш мумкин:

биринчидан, қўриқланадиган объектлар ҳудудида қўриқлаш хизмати фаолияти 2019–2025 йиллар давомида “анъанавий физик қўриқлашдан” комплекс профилактика моделини шакллантириш йўлидан бормоқда;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тузилишида МЖТКнинг 91¹, 161, 88 ва 187 каби моддаларининг устунлиги қўриқлаш хизматининг экологик-санитар ва жамоат тартибига оид хавфларни барвақт аниқлаш ва чеклашда муҳим субъект сифатида шаклланаётганини кўрсатади;

учинчидан, туманлар кесимидаги “хавфли нукталар”ни аниқлаш эса ресурсларни манзилли тақсимлаш, қўриқлаш постлари ва патрул маршрутларини оптималлаштириш, CPTED тамойилларини инфратузилмани режалаштиришга тўлиқ интеграция қилиш заруратини очиқ бермоқда.

Шу тариқа, назарий моделлар (situational, routine activity, CPTED, маъмурий-ҳуқуқий режим) ва Тошкент шаҳридаги эмпирик маълумотлар ўзаро уйғун ҳолда қўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш механизмларининг самарадорлигини исботлаб бермоқда. Кейинги параграфларда айнан шу статистик ва назарий асослардан келиб чиқиб, Қўриқлаш хизмати фаолиятини самарадорлигини янада оширишга қаратилган қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хусусан:

биринчидан, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддаси асосий тушунчалар тизимида қуйидаги тушунчаларни киритиш мақсадга мувофиқ:

қўриқланадиган объект ҳудуди – ушбу Қонунда белгиланган тартибда давлат органлари ва бошқа субъектлар томонидан қўриқланадиган бинолар, иншоотлар, жисмоний ва электрон инфратузилма элементлари жойлашган майдон, шунингдек уларга туташ ҳудудлар (иёбонлар, автотураргоҳлар, пиёдалар йўлаклар, ички йўл ва майдончалар, яшил ҳудудлар)нинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида алоҳида тартиб (режим) ўрнатилган қисми ҳисобланади;

режимли ҳудуд – қўриқланадиган объект ҳудудига дахлдор бўлган ва ушбу Қонунда, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган махсус қоидалар, чекловлар ҳамда мажбуриятлар амал қиладиган жамоат жойлари ва инфратузилма участкалари мажмуасидир.

иккинчидан, “Қўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонунни қуйидаги янги 6¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

6¹-модда. Қўриқланадиган объект ҳудуди ва режимли ҳудудда тартиб

Кўриқланадиган объект ҳудуди ва режимли ҳудуднинг аниқ чегаралари объектни эгалик қилувчи (фойдаланувчи) томонидан кўриқлаш органи билан келишилган ҳолда белгиланади ва режим паспортида қайд этилади.

Кўриқлаш хизмати кўриқланадиган объект ҳудуди ва режимли ҳудудда экологик, санитария, ободонлаштириш ва жамоат тартибига оид қоидаларга риоя этилиши устидан мониторингни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузади ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва хавф омиллари тўғрисида тегишли давлат органларини белгиланган тартибда хабардор қилади.

учинчидан, “Кўриқлаш фаолияти тўғрисида”ги қонунни қуйидаги янги 7¹-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

7¹-модда. Кўриқланадиган объектларни хавф даражаси бўйича тоифалаш

Кўриқланадиган объектлар жамоат хавфсизлиги, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мамлакат муҳофаза қилиниши, иқтисодий ва экологик хавфсизликка эҳтимолий таъсирига қараб хавф даражаси бўйича тоифаланади.

Кўриқланадиган объектларни хавф даражаси бўйича тоифалаш мезонлари, хавф тоифаларининг рўйхати ва ҳар бир тоифа учун жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир минимал талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кўриқланадиган объектнинг хавф даражаси унинг кўриқлаш режимини, кўриқлаш ходимлари ва техник воситалар сонини, видеокузатув ва бошқа назорат воситаларининг жойлашувини, профилактика тадбирларининг шакл ва даврийлигини белгилашда ҳисобга олинади.

тўртинчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 32-моддаси (*Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар*) биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **7-банди** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

7) ҳуқуқбузарликнинг қонуний тартибда белгиланган кўриқланадиган объект ҳудуди ёки режимли ҳудудда содир этилганлиги.

(*кейинги бандлар сонлар бўйича тегишли равишда қайта рақамланади*).

иккинчидан, Кодекснинг 88-моддаси (*Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик*) қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

Шу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, қонуний тартибда белгиланган кўриқланадиган объект ҳудуди ёки режимли ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(*кейинги қисмлар рақамланиши тегишлича ўзгартирилади*).

учинчидан, Кодекснинг 91¹-моддаси (*Белгиланмаган жойларга қаттиқ машиный чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ машиный чиқиндиларни тўкиш*) қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик қонуний тартибда белгиланган кўриқланадиган объект ҳудуди ёки режимли ҳудудда содир этилган ҳамда бир йил мобайнида такрорий равишда содир этилган тақдирда – базавий ҳисоблаш

микдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

учинчидан, Кодекснинг 161-моддаси (*Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш*) қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, қонуний тартибда белгиланган кўриқланадиган объект ҳудуди ёки режимли ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарлик – базавий ҳисоблаш микдорининг тўққиз бараваридан ўн тўрт бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарорига илова сифатида тасдиқланган “*Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни (баённомани) кўриб чиқишга (баённома тузишга, иш қўзғашга) ваколатли органлар классификатори*”да 381-код билан алоҳида махсус субъект сифатида Кўриқлаш бош бошқармаси кўрсатилганлигидан келиб чиқиб, Кодексни қуйидаги мазмундаги 194²-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

194²-модда. Кўриқлаш хизмати ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик

Кўриқлаш хизмати ходимларининг ўз ваколатлари доирасида берган қонуний талаблари ёки кўрсатмаларини бажармаслик, уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш – базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваридан ўн икки бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – базавий ҳисоблаш микдорининг ўн икки бараваридан ўттиз бараваригача микдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

бешинчидан, Кодекс қуйидаги мазмундаги 195²-модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

195²-модда. Кўриқлаш хизмати ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш

Кўриқлаш хизмати ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди шунингдек Кўриқлаш хизмати ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб сохта уйдирмаларни тарқатиш, – базавий ҳисоблаш микдорининг уч бараваридан йигирма бараваригача микдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўриқланадиган объектларни хавф даражаси бўйича тоифалаш ва муҳитни лойиҳалаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим (*қарор лойиҳаси илова қилинади*).

Шу билан, кўриқланадиган объектлар ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини таҳлил қилиш уларнинг умумий йўналиши тўғри танланганини, бироқ жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига мос равишда норматив-ҳуқуқий мустаҳкамлаш, архитектура-шаҳарсозлик билан чуқур интеграция қилиш ва идоралараро бошқарувни кучайтириш орқали янада такомиллаштириш зарурлигини яққол кўрсатди, деб хулоса қилиш мумкин.